



2019 yil « 6 » ноябрь № 3405 -К

Оqtosh sh.- г.Акташ

Нарпай тумани “Саловат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан Нарпай тумани Ички ишлар бўлимига қарашли Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига “Маъмурий ва ёрдамчи хўжалик” бинolari қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,37-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сонли қарорларига, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига, Нарпай туман ҳокимининг 2019 йил 10 майдаги 1687-Қ сонли қарори асосида тузилган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2019 йил 5 ноябрдаги далолатномасини ҳамда Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2019 йил 30 октябрдаги 11/62711-сонли хатини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нарпай туман ҳокимининг 2019 йил 10 майдаги 1687-Қ сонли қарори асосида тузилган ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2019 йил 5 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Саловат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги заҳира ер фонди ҳисобидан Нарпай тумани Ички ишлар бўлимига қарашли Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига “Маъмурий ва ёрдамчи хўжалик” бинolari қуриш учун жами 0,0760 гектар, шу жумладан 0,0760 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жамоат ҳовлилар ўрнидаги ер майдони доимий фойдаланишга танлансин ва ажратилсин.
3. Нарпай тумани Ички ишлар бўлимига қарашли Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига;
 - белгиланган тартибда лойиҳа хўжатларини тайёрлатиш, вилоят шаҳарсозлик кенгашидан тасдиқлатиш, вилоят давлат экологик экспертизаси, санитария, ёнгин хавфсизлиги, Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилиш ишларини бошлашга руҳсатномалар олиш ва қурилиш ишларини лойиҳа асосида олиб бориш вазифаси юклатилсин.
4. Туман қурилиш бўлими бошлиғи (А.Туйлиев) га қурилиш ишларини белгиланган муддатида лойиҳа асосида бажарилишини назорат қилиш топширилсин.
5. Нарпай туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига ушбу ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда туман ер ҳисоботига киритиш топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Г.Ашуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Жабборов

